

---

## МУКОФОТ ЭГАСИГА ТОПШИРИЛДИ

✂ Хабарингиз бор, Президентимизнинг шу йил 23 августдаги Фармонида кўра, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини оширишга катта ҳисса қўшаётган, давлатимиз иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ибрат ва намуна бўлиб келаётган, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида фидойилик кўрсатаётган юртдошларимиз “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мукофотланди. Улар орасида Риштон тумани 27-умумий ўрта таълим мактаби директори Ҳакимаҳон Мадалиева ҳам бор. Бугун мазкур мактабда ўтказилган тадбирда туман ҳокими С. Солиев ушбу мукофотни ўз эгасига топширди.

Изоҳ: Ҳакимаҳон Мадалиева хизмат сафарида бўлганлиги боис тантанали тақдирлаш маросимида иштирок эта олмаган эди.

2021-09-06 14:55:38